



QAROR - ҚАРОР

2003 yil 21 Анвар

№ 56-қ

«Фуқаро Сирожов Болтага маҳалла маркази ҳудудидан шахсий савдо дукони қуришга рухсат бериш тугрисида».

Самарқанд туман «Ўзбекистон» ширкат хужалиги Галаосиё маҳалласида яшовчи фуқаро Сирожов Болтанинг туман ҳокимлигида қайд этилган аризаси, туман ҳокимлиги ер хайъатининг тузилган даволатномасига асосан, ҳамда туман аҳолисига намунавий хизмат курсатиш мақсадида :

Қ а р о р к и л а м а н :

1. Самарқанд туман Ўзбекистон ширкат хужалиги Галаосиё маҳалласида яшовчи фуқаро Сирожов Болтага туман ер хайъатининг тузилган даволатномасига асосан, Галаосиё маҳалла маркази ҳудудидан шахсий савдо дукони қуриш учун 38 м.кв. ер майдони ажратилсин ва қуришга рухсат берилсин.

2. Фуқаро Сирожов Болтага ушбу шахсий дуконини қуришдан олдин қатъий равишда лойиҳа хужжатларни тайёрлаб, туман яқка тартибда уй-жой қуриш бўлими руйхатидан утказилгандан сунг, лойиҳа хужжатларни туман бош меъмор бидан келиширилган ҳолда қуриш юклатилсин.

3. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг уринбосари Ф.Ражабовга топширилсин.



(Handwritten signature)

Н.Мажидов